



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ФУҚАРОЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАМДА ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ҚУРИЛГАН ТУРАР ЖОЙЛАРГА НИСБАТАН МУЛК ҲУҚУҚИНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ БЎЙИЧА БИР МАРТАЛИК УМУМДАВЛАТ АКЦИЯСИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда аҳолига, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида муносиб уй-жой шароитларини яратишга қаратилган кенг қўламли давлат дастурлари амалга оширилди.

Хусусан, 2009-2017 йиллар давомида 81 992 та уй қурилди, 6 624 та уй-жой массиви барпо этилди, зарур муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари ўтказилиш таъминланди. 2016 йилдан қишлоқ аҳолиси учун янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилишини назарда тутувчи сифат жиҳатидан янги давлат дастури амалга оширилмоқда. 2017 йилнинг ўзига қишлоқ жойларида 18 мингдан ортиқ қулай шарт-шароитга эга бўлган уйлар барпо этилди.

Шунингдек, фуқароларнинг қонунчиликда мерос қилиб қолдирилмаган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи асосида ажратилган ер участкаларида якка тартибда уй-жой қуриш ҳуқуқи қафолатланган.

Шу билан бирга, ер тузиш ва кадастр органлари томонидан ўтказилган республика кўчмас мулк фонднинг ялпи халтовиякка тартибда уй-жой қуриш соҳасида, айниқса, қишлоқ жойларида қонунийликни таъминлаш масалаларида тизимли халтолар ва жиҳдий камчиликларга йўл қўйилганлигини кўрсатди.

Хусусан, уй-жойга эга бўлиш ва қуришнинг қонуний механизмлари мавжуд бўлишига қарамадан минглаб фуқаролар кўп йиллар давомида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида якка тартибда уй-жойларни ноқонуний барпо этишган.

Бундай ҳолатларнинг юз беришига давлат органлари, энг аввало, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, шу жумладан, ер кадастри, архитектура ва қурилиш соҳасидаги ваколатли органларнинг бепарволиги сабаб бўлди.

Фуқароларга ер участкаларини уй-жой қуриш учун муайян тўлов эвазига қонуний бериш юзасидан фермер ва деҳқон ҳўжалиқларининг тил бериштириши бўйича кўплаб ҳолатлар мавжуд.

Натижада ушбу муаммо бутун республика бўйича оммавий тўс олди ва уй-жой учун зарур ҳўжатларнинг мавжуд эмаслиги аҳолида бошқа ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқишига, хусусан, ҳақиқатда яшаб турган жойга прописка қилиниши, мулк ҳўқуқига эга бўлиш ва уни амалга ошириш имконияти мавжуд эмаслигига олиб келди.

Фуқароларнинг уй-жой мулкига

кадастр ҳўжатларини беришни сўраб Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига 5 мингдан ортиқ, депутатлар, сенаторлар, давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари томонидан ўтказилган сайёр қабулларда 3 мингдан зиёд мурожаатлари келиб тушган.

Уй-жойга доир ҳўқуқларнинг амалга оширилиши ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, шунингдек, фуқароларга тегишли бўлган турар жойларни давлат рўйхатидан ўтказишда қўмақлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг фуқароларнинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан қурилган турар жойларига нисбатан мулк ҳўқуқини эътироф этиш бўйича бир марталиқ умумдавлат акциясини (кейинги ўринларда бир марталиқ акция деб юритилади) эълон қилиш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 майга қадар:

а) мазкур Фармон қабул қилинган вақтга қадар қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан қурилган турар жойга (кейинги ўринларда ўзбошимчалик билан қурилган иморат деб юритилади) нисбатан мулк ҳўқуқини ушбу объектка ўз шахсий мулки каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгаллик қилаётган шахсга қўйидаги шартлар асосида:

ушбу ер участкаси (участканинг бир қисми) унга қонун ҳўжатларида мўвуоф турар жой қуриш учун ажратилиши мумкин бўлмаган ер майдонида жойлашмаган бўлса;

ўзбошимчалик билан қурилган иморат шахарсозлик нормалари ва қондилари талабларини бузмаётган бўлса, шунингдек, унинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳўқуқлари ва қонун билан қўриқладиган манфаатларини бузмаса ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳавф тўғрисида эътироф этилади. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳўқуқини эътироф этилмайдиган аниқ ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

б) ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳўқуқини:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ташкил этиладиган Кўчмас мулкка нисбатан ҳўқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича комиссиянинг тақдимномасига кўра туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан;

умумий мулк ҳўқуқи ҳақидаги фуқаролик ва оила тўғрисидаги қонун ҳўжатларининг қондиларига амал қилиш шартли билан;

энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорига бир марталиқ йғим тўлангандан кейин амалга оширилади;

в) ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳўқуқини эътироф этишда мулкдорга у қурилган ер участкаси (участканинг бир қисмига) қонун ҳўжатларида белгиланган нормалар доирасида мерос қилиб қолдирилмаган умрбод эгаллик қилиш ҳўқуқи берилиб, ортиқча қисми Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 121-моддасида назарда тутилган жараима солинимасдан захира ерларига олиб қўйилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта мўддатда мазкур Фармоннинг ижросини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди бир марталиқ акциянинг амал қилиш мўддати тўғрисида қадар: судларга ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиб ташлаш бўйича давёо киритиш тўхтатиб турилишини, қонун ҳўжатларига асосан турар жой қуриш учун ажратилиши мумкин бўлмаган ер майдонида жойлашган ер участкасида (участканинг бир қисмида) қурилган объектлар бундан мўстасно; судларнинг турар жой сифатида фойдаланилаётган ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиб ташлаш тўғрисидаги қўриб чиқилаётган давёолар ҳамда ихро қилинмаган қарорлари бўйича белгиланган тартибда қилишув битимлари тузилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жойларда Кўчмас мулкка нисбатан ҳўқуқни эътироф этиш ишларини

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2018 йил 20 апрель

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТАДБИРКОРЛИК ВА ШАҲАРСОЗЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРНИ ДОИМИЙ ФОЙДАЛАНИШГА БЕРИШ ТАРТИБИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ерлардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектларни мақбул жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ер участкаларини бериш тартиб-таомиллари ношаффоф ва бюрократиялаштирилган бўлиб қолмоқда, бу эса тадбиркорлиқни ривожлантириш ва ҳудудларнинг замонавий меъморий қиёфасини яратишда ерлардан самарали фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига келиб тушаётган ер участкаларини беришдаги ҳўқуқбузарликлар ёки уларни асоссиз олиб қўйиш билан боғлиқ кўплаб мурожаатлар ер участкаларини беришнинг танлов тартиби лозим даражада йўлга қўйилмаганлигини кўрсатмоқда.

Ваколатли органлар фаолиятида ер участкаларини бериш бўйича материалларни кўриб чиқиш ва қелишишда ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан тўлиқ ҳажмда фойдаланиш таъминланмапти, бу эса рухсат этиш хусусиятига эга ҳўжатларни расмийлаштириш мўддатларининг чўзилишига ва бюрократик тўсиқларга сабаб бўлмоқда.

Кўпчилик аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режалари ва бошқа шаҳарсозлик ҳўжатлари мавжуд эмаслиги, эскирган ва замонавий талабларга жавоб бермайдиган шаҳарсозлик нормалари ва қондиларни комплекс қуриш талабларига риоя этилмаслигига ва аҳоли пунктларининг меъморий қиёфаси ёмонлашувига олиб келмоқда.

Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини бериш механизмларини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлардаги

бюрократик тартиб-таомиллар ва тўсиқларни қисқартириш мақсадида:

1. 2018 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб белгилансинки, унга кўра:

юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш «Е-ІJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали амалга оширилади;

ер участкаларини бериш бўйича материалларни йғиш, кўриб чиқиш ва ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан қелишиш фақат замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мўддатда қонун ҳўжатлари нормаларини ва амалиётда уларни қўллашдаги мавжуд муаммоларни танқидий таҳлил қилиш асосида юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш соҳасидаги норматив-ҳўқуқий ҳўжатларни биржилаштириш бўйича қарор қабул қилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мўддатда:

тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун доимий фойдаланишга берилмайдиган ер участкаларини ажратиш бўйича материалларни йғиш ва ваколатли ташкилотлар билан қелишиш тартиб-таомилларини бажариш бўйича автоматлаштирилган

ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишни, шунингдек, унинг «Е-ІJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси билан интеграция қилиниши;

тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга «Е-ІJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион ўтказиш орқали берилишини ташкил этишни таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мўддатда:

аҳоли пунктларининг бош режалари йғинилари ҳудудларини архитектура-режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига бўлган талабларни лойиҳаларнинг таркибини, уларни қелишиш тартиби ва мўддатларини соддалаштирган, шунингдек, аҳоли пунктларини ривожлантириш ва қуришни режалаштириш бўйича шаҳарсозлик ҳўжатларини ишлаб чиқиш нархларини пасайтирган ҳолда тубдан қайта кўриб чиқишни;

аҳоли пунктлари қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ишларни молиялаштиришда тадбиркорлик субъектлари — давлат-хусусий шериклик иштирокчиларига батафсил режалаштириш лойиҳаларида кўрсатилган чегаралар доирасида ер участкаларини олишга устунилик ҳўқуқини тақдим қилган ҳолда давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этишни;

аҳоли пунктлари бош режаларидан, қишлоқ (овул) фуқаролар йғинларини ҳудудларини архитектура-режалаштириш ташкил этиш лойиҳаларидан уларнинг

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2018 йил 20 апрель

Ш.МИРЗИЁЕВ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 апрель куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Президент Владимир Путинга самимий қўтлов ҳамда қуни кеча Бухоро вилоятида Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши яқунлангани ва ишга туширилгани муносабати билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда Россиядан нуфузли делегация иштирок этгани учун чўқур миннатдорлик билдирди.

«ЛУКОЙЛ» компанияси билан ҳамкорликда табиий газни чўқур қайта ишлаш бўйича ишга туширилган юқори технологик ишлаб чиқариш мажмуаси мамлакатларимиз ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг яна бир ёрқин намунаси экани алоҳида таъкидланди.

Мулоқотда олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган қелишувлар доирасида Ўзбекистон — Россия кўп қиррали алоқаларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти Россия Президентига давлат ташрифи билан мамлакатимизда қелишни яна бир бор таклиф этди. Таклиф мамнуният билан қабул қилинди. Ташрифнинг аниқ мўддати дипломатик каналлар орқали қелишиб олинади.

Мулоқот сўнггида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин турли форматларда ўзаро алоқаларни фаол давом эттиришга тайёр эканликларини таъкидладилар.

ЎЗА

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов 2018 йил 23-24 апрель кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Анъанавий дўстлик ва ўзаро ишонч муҳитида ўтади-дек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари веб-сайтларида эълон қилиш орқали ҳаммининг фойдаланиш имкониятини таъминлашни назарда тутувчи таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

рамзларидан бирига айланиши қутилимоқда. Шунингдек, чегарадош Хоразм вилоятига ташриф ҳам режалаштирилган.

Ташриф доирасида Ўзбекистон ва Туркменистон етакчи иқтисодий тузилмаларининг бизнес-форуми бўлиб ўтади.

Музокаралар якуни бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, таълим ва спорт соҳаларида икки томонлама ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга қаратилган салмоқли ҳўжатлар тўплами имзоланиши қутилимоқда.

СИРДАРЁЛИК ЁШЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ — БИБЛИОБУС ТОПШИРИЛДИ



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сирдарё вилояти кенгашига Президентимиз совғаси — библиобус, яъни кутубхона шаклидаги махсус автотранспорт воситаси қалити тантанали равишда топширилди.

Китобларни ташиш ва сақлашга мўлжалланган мазкур транспорт воситаси жавонларда 2 мингдан ортиқ китоб жойлаштирилган.

— Давлатимиз раҳбарининг биз, сирдарёлик ёшларга тақдим этган бу ноёб совғаси

чекка ҳудудларда яшайдиган аҳоли, айниқса, ёшларни миллий ва жаҳон муомтоз адабиёт дурдоналаридан баҳраманд этиш имкониятини яратди, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси Ш.Зайниддинов. — Библиобус борадиган ҳар бир қишлоқда ёшлар шoir ва ёзувчилар билан учрашади, адабий кечалар ташкил этилади.

Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокими Ф.Мирзаев сўзга чикди.

А.КАЮМОВ,
ЎЗА муҳбири.

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМАДА

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА ҲУҚУҚ:

бу тушунчалар ўртасида катта фарқ бор

Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёда 600 миллиондан кўпроқ, юртимизда эса 600 мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган шахслар истиқомат қилади. Уларнинг орасида қобилиятли, салоҳиятли ва интилувчан инсонлар жуда кўп. Жузъий жисмоний камчиликни деб уларнинг ҳуқуқлари ва имкониятлари чекланиб қолишига йўл қўйиб бериш нотўғри бўлади. Шунинг учун мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласига муҳим эътибор қаратиляпти.

Хусусан, 2017 йил 1 декабрда ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Президент фармони қабул қилинди. Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. 51 банддан иборат ушбу дастурда очик ва тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш, аниқланган камчиликлар ҳамда муаммоларни бартараф қилиш юзасидан тезкор, таъсирчан чоралар кўриш масаласи илгари сурилган.

Шунингдек, жорий йилга мўлжалланган Давлат дастури асосида «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида» қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Айни пайтда бу мавзу устида қизгин муҳокамалар, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтмоқда. Ногиронлар жамиятлари аъзолари, жамоатчилик ўз фикр-мулоҳаза ҳамда таклифларини билдиришяпти.

Шу ўринда асосий масалага ойдинлик киритиб ўтишимизга тўғри келади. Ногиронлар манфаатлари ҳимояси билан боғлиқ қонун шу вақтга қадар йўқми? Бор. Бу — Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақидаги қонун. Ушбу ҳужжат 1991 йилда қабул қилинган, 2008 йилда эса янги тахрирда қабул қилинган.

Президентимизнинг юқорида номи келтирилган фармонида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масаласи алоҳида ажратиб кўрсатилган. «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида» янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш масаласи кўйилган. Эътибор бериш, амалдаги қонунда ижтимоий ҳимоя масаласига, яъни қонун лойиҳасида эса ҳуқуқ масаласига урғу берилган. Демак, янги ҳужжат амалдаги ҳужжатдан анча фарқ қилиши керак. Мунозаранинг асоси ана шу ёндашув билан боғлиқ.



Боймурод ЮСУПОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи:

— Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциядан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш учун Ўзбекистонда қонунчилик, институционал ва маъмурий соҳани ислоҳ этиш, уни модернизация қилиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши кутилмоқда. «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонуннинг ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши бу йўналишдаги дастлабки қадамлардан бири бўлади.

Ўзбекистон ХДП ўзининг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан ҳамкор ташиқлот-

лар иштирокида ушбу қонун лойиҳасига қатор таклифлар ишлаб чиқилди. Улар қуйидаги йўналишларни қамраб олган:

— ногиронлиги бўлган шахсларнинг камситилмаслиги ҳамда имкониятлар тенглигини таъминлаш;

— ҳаётнинг турли жабҳаларини имконият қилиш;

— ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларига риоя қилишнинг маъмурий назоратини яхшилаш;

— таълим олиш ва меҳнат қилиш бўйича ҳуқуқларини қонун йўли билан мустаҳкамлаш;

— ногиронлиги бўлган шахсларни ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш.

Қонун лойиҳасига миллий қонунчилигимизда шу пайтгача мавжуд бўлмаган «мулоқот», «тил», «ногиронлик белгилари бўйича камситиш», «оқилона мослашув», «универсал дизайн», «индивидуал сафарбарлик» каби тушунчалар киритилиши ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича замонавий усул ҳамда халқаро стандартларга ўтish имконини беради. Яъни, ногиронлик масалаларини ҳал қилишда тиббий мезондан босқичма-босқич ижтимоий мезонга ўтилади.



Ойбек ИСОҚОВ,
Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси раиси:

— Мен қонун лойиҳасини чуқур ўрганиб чиқдим. Бир нарсани афсус билан айтишим кераки, эски ҳаммом, эски тос. Ўзгариш деярли йўқ. Ногиронларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг икки хил — тиббий ва ижтимоий мезон бўлиб, лойиҳада асосан тиббий мезон қамраб олинган. Вақолани, дунёда ижтимоий мезонга алоҳида эътибор қаратилади.

Аравачалар билан таъминлаш, санатория ва ҳоказо масалалар бўйича меъёрлар илгари суриляпти. Ҳолбуки, бу ҳақда Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунда батафсил ёзилган. Ўша қонунни янгисига қўйиш билан ўзимизни алдаган бўламиз. Президент фармонида белгиланган вазифалар умуман бошқа жиҳатлар қамраб олиниши кераклигини кўрсатади.



Абдусайд МИРҲАМИДОВ,
Қўзи оғизлар жамияти марказий бошқаруви раиси:

— Амалдаги қонунда ногиронлиги бўлган шахсларнинг реабилитация масаласи белгиланган бўлишига қарамай, унинг амалдаги ижросида қийинчиликлар юзага келмоқда. Бунга сабаб қонунда аниқ механизм ҳақида меъёр ва талаблар кўрсатиб ўтилмаган.

Янги қонун лойиҳасида ўзгариш йўқ, деб айтиш нотўғри. Аммо ўзгариш кутилган даражада эмас. Масалан, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш воситалари қаторидан диетгидек аравачалар, эшитиш аппаратлари, протезлар, қўлтиқтаёқ каби воситалар ўрин олган.

Биргина қўлтиқтаёқни олайлик. Унинг ҳар хил турлари бор. Республикада айнан қўзи оғиз-

“ Биз ҳали ҳам 20—30 йил аввалги реабилитация воситалари ҳақида гапиряпмиз. Замон эса инновацион технологияларни, ахборотлаштирилган жамият тузишга тақозо этмоқда. Бу ҳам реабилитация воситаси ҳисобланади аслида.



“ Ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий мезон орқали ҳаётга қўшишнинг имкони бўлиши мумкин, бунинг инкор этмоқчимасмиз. Аммо бу ҳақда қарийб 30 йилдан буён амал қилаётган қонун бор.

Ногиронлиги бўлган шахс ўз аравачасида дорихонага кира олмаса, сайлов участкаларига ҳамроҳсиз бориб, эркин таразда шахсан овоз беришга шарт йўқ бўлса, қўзи оғиз эки эшитмайдиганлар учун брайль ёзувидаги дастурлар, сурдо таржимон йўлга қўйилмаса, тенг ҳуқуқлилиқка путур етмайдими?.. Янги қонун лойиҳасида мана шу масала акс этиши керак. Ногиронлиги бўлган шахслар учун уй-жойлар қуриш, уларнинг маданий ҳуқуқлари тўғрисида алоҳида тизим яратилмаган. Қонун лойиҳасида булар умумий қилиб киритиб кетилган. Ўйлаётганки, қонун мукаммал бўлмаса, эртага унинг ижросида ҳам кемтиклару камчиликлар бўлади.

Жорий йилнинг январь ойида қонун лойиҳасига ўз таклифларимизни бердик. Умид қиламизки, вазирилк ва идоралар уларни ўрганиб чиқади. Мухими, қўллаб-қувватлашга умид қиламиз. Чунки биз томондан берилаётган таклифлар бевосита БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси талабларига асосланган. Агар Конвенция ратификация қилинса, эртага унга ҳамроҳан бўлган яна битта қонун ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилади. Бир ишни икки марта қилмасдан, бугун халқаро Конвенцияга тўғри келадиган ҳужжат яратилиши керак, деб ўйлаймиз. Шунинг учун биргаликда ишлашимиз лозим. Агар янги қонунда нодавлат ташкилотлар розилиги бўлмаса, эртага у ишламайди.



Фарҳод АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси раиси ўринбосари:

— Аввало, янги қонун ногиронлиги бўлган шахсларнинг эркинликларини таъминлаб, чекловларни бартараф қилишга хизмат қилиши керак. Бунинг учун қандай чора-тадбирлар қўрилиши бўйича лойиҳада аниқ меъёрлар берилмаган.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг судда иштирок этиши инобатга олинмаган. Қўрилаётган иш юзасидан ҳужжатлар қўзи оғизлар учун аудио форматда эки брайль ёзувида, эшитмайдиганлар учун сурдо таржимон ёхуд субтитр орқали етказилиши керак. Акс ҳолда, фуқароннинг ҳуқуқи бузилади, очиклик ва шаффофлик тушунчаларига путур етади.

Лойиҳада махсус яратилган шартларда шарт билан шуғулланиш мумкинлиги кўрсатилмоқда.

Лекин қани ўша шарт, уни яратиш учун нималар қилиниши керак, бунинг жавобгарлиги кимда экани ҳақидаги саволлар очик қолиб кетаяпти. Ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий мезон орқали ҳаётга қўшишнинг имкони бўлиши мумкин, бунинг инкор этмоқчимасмиз. Аммо бу ҳақда қарийб 30 йилдан буён амал қилаётган қонун бор.

Биз ўз таклифларимизни беришдан аввал ҳудудий ННТлар ҳамкорлигида ногиронлиги бўлган шахслар билан суҳбатлашдик, уларнинг истакларини билдик. Биз жамиятда барча учун бир хил тўсиқсиз муҳит яратилишини истаймиз. Бу нафақат тиббий йўналишда, балки банк соҳасида ҳам, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам, умуман, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, иқтисодий ҳуқуқлар ҳам қонунда ўз ифодасини топиши бугунги куннинг талабидир.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳам ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда қонуний ҳуқуқларидан эмин-эркин, кимнингдир кўмагисиз фойдалана олиши керак. БМТ Конвенциясининг мазмун-моҳияти ҳам ана шунда. Агар тиббий мезон бўйича ўзгариш эки таклифлар бўлса, уларни ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунга киритиш керак. Лекин ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини бир-икки жумла билан ифода қилиб бўлмайди.

“ Судда қўрилаётган иш юзасидан ҳужжатлар қўзи оғизлар учун аудио форматда эки брайль ёзувида, эшитмайдиганлар учун сурдо таржимон ёхуд субтитр орқали етказилиши керак. Акс ҳолда, фуқароннинг ҳуқуқи бузилади, очиклик ва шаффофлик тушунчаларига путур етади.



Аваз КАРИМОВ,
«Megamash tour» МЧЖ директори, Миробод туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Қонун халқаро Конвенцияни ратификация қилиш талабларига жавоб бериши зарур. Кунди кеча Уй-жой коммунал хизматлари тўғрисидаги қонун лойиҳаси билан танишдик. У ерда ногиронлиги бўлган шахслар билан боғлиқ ҳеч қандай банд киритилмаган. Ахир ҳамма тенг ҳуқуқли фуқаро эмасми? Қонунда йирик-йирик масалалар қамраб олиниши, қонуности ҳужжатларида эса ана шу асосда чора-тадбирлар белгиланиши лозим.

Уй-жой кодекси билан боғлиқ қонун лойиҳа-

си ҳам кенг муҳокама қилинди. Афсуски, у ерда ҳам ногиронлиги бўлган шахслар манфаатлари билан боғлиқ бирор-бир меъёр ўрин олмаган. Мамлакатимизда яшаш минимуми, яъни истеъмол саватчаси меъёрлари ишлаб чиқилмоқда. Ҳўш, ногиронлиги бўлган шахсининг яшаш учун қанча минимум керак бўлади? Бу ҳақда ҳам аниқ таклиф таёрланиши ва лойиҳага киритилиши керак, деб ўйлайман.

Умуман, ҳар бир соҳа ва йўналишда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари, манфаатлари акс этиши зарурлиги ушбу қонун лойиҳасида меъёр сифатида белгиланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Қонунда тўғридан-тўғри ишлайдиган меъёрлар жорий этилиши жуда муҳим, акс ҳолда, у керакисиз бўлиб қолади. Жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилмайдиган қонунлар тарққийта фойда бермайди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси — ҳар томонлама муҳим ҳужжат. Уни такомиллаштириш, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлаштириш долзарб масала бўлиб турибди. Ҳужжат лойиҳаси парламент муҳокамасига киритилгани йўқ. Уни маромига етказиш, таклифларни атрофлича ўрганиб чиқиш учун вақт ва имконият етарли. Демак, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳақидаги мунозаралар ҳали олдинда.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Паркент туманида Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган форумда қатнашиш учун йўлга тушдик. Манзилга етгунча вилоят партия кенгаши раиси Меҳрож Дарҳонов билан аҳоли орасида мулоқот қилиб ишлашнинг аҳамияти ҳақида суҳбатлашиб кетдик.

Паркентда форум ўтказилди

— Уйма-уй юриб, хонадонларда бўлганимизда муаммоларни ўз кўзимиз билан кўряпмиз, — дейди у. — Асосли таклифларни ҳам аҳолининг ўзидан оляпмиз. Биз шу вақтгача тадбирлар ўтказиб, муаммоларни мутасаддиларга етказиб бериш билан ўзимизни овутиб юрган эканмиз. Йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқардик. Амалий ҳаракатни ҳам бошладик. Натижада одамлар бизга эргашиб, партиямизга яна мақсадларига хайрихоҳлиги янада орта бошлади. Айниқса, сайёр қабуллар мобайнида бунга яна бир бор амин бўляпмиз...

Паркент туманига етиб келдик. Бу ерда «Новдак», «Невч», «Сангана», «Шапан», «Қизилсой» маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси иштирокида томоркадан унумли фойдаланиш мавзусида семинарлар ўтказилди. 15 нафар фуқарога иссиқхона барпо қилиш, 30 нафар фуқарога эса хунармандчилик, зардўзлик, паррандачилик, чорвачилик, эчкичиликни ривожлантириш учун банкдан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

— Маҳалламизда томорқа ортдан яхши даромад топиб, оиласининг фаровонлигини таъминлаётганлар кўпчилигини ташкил қилади, — деди «Қизилсой» маҳалласи фаоли Матлуба Бурхонова. — Қўшниларимизга ҳавас қилиб, олти сотих томоркамизга иссиқхона қуришни режалаштирган эдик. Бугун «Агробанки»дан 8 миллион сўм имтиёзли кредит учун сертификат олдим. Иссиқхонада помидор, болдиринг, пивез, саримсоқни экишни режалаштирганмиз.



— Асаларичиликни ривожлантириш ниятидаман, — деди Дилмурод Қўзиёев. — Мен «Халқ банки»дан 9 миллион сўм кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлдим. Ушбу маблағни самарали ишлатиш режасини тузиб чиқдик.

— Паррандачилик етти хазинанинг бири сифатида эътироф этилади, — деди «Новдак» маҳалласидан Халилхўжа Тургунов. — Бу хазина хонадонимизни бир бурчагиде туриб, оилангиз бюджетига даромад келтиради. Уй шартотида паррандачиликни йўлга қўйиш мақсадида беш миллион сўм кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат олдим. Ўшбу маблағга бир кунда икки марта туҳум қўйибган товуқ зотларидан сотиб олишни режалаштирганман. Барча ҳисоб-китобларни ҳам қилиб қўйганман.

Форум доирасида тиббий акция ҳам ташкил этилди.

Қўннинг иккинчи ярмида вилоят бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси томонидан меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда туман ҳудудида фаолият юритаётган 20 дан ортиқ корхона 200 га яқин бўш иш ўрни билан қатнашди. 80 нафарга яқин фуқаро ишга жойлаштириш учун йўланма олди.

— Маданият қасб-хўнар коллежини тамомлаганман, — деди Наргиза Абдувоҳидова. — Меҳнат ярмаркасида мутахассислигим бўйича ишга кириш учун шартнома имзоладим. Ҳозиргина оила аъзоларимга қўнғироқ қилиб, хушхабарни етказдим. Улар жуда хурсанд бўлишди.

— Ўқишни тамомлаганимга ўн йилдан ошди, — деди ярмарка иштирокчиси Дилфуза Гаффорова. — Бу вақт оралиғида бола тарбияси билан машғул бўлдим. Ҳозир кичик фарзандим боғчага чиқди. Ишлаш учун етарлича вақтим бор. Ярмаркада туман молия бўлимида ишлаш учун йўланма олдим, иш шартлолари билан яқиндан таништиришди.

Форумда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Абдуғаффор Қирғизбоев бандлик дастурини қабул қилиш ва ижросини таъминлаш масалалари ҳақида атрофлича тушунтириш берди.

Маҳлиё АЛИҚУЛОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш учун қўшимча яна 500 миллион АҚШ доллари ажратилди

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 17-18 март кунлари Самарқанд вилоятига ташрифидан сўнг берилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудга қўшимча 500 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилди. Айни пайтда ушбу маблағдан самарали фойдаланиш учун муҳим ва фойдали лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.

Шу мақсадда вилоят ҳокимлиги томонидан Самарқанд шаҳрида тадбиркорларга кўмаклашиш маркази фаолияти йўлга қўйилди. Бу ерда вилоятдаги 18 тижорат банкининг, туман ва шаҳар ҳокимликлари, шунингдек, лойиҳаларни тасдиқлаш ва амалга оширишга дахлдор бўлган бошқарма ва идораларнинг масъул ходимлари фаолият кўрсатмоқда. Марказда тадбиркорлар кредит олиш шартлари билан танишдилар, мутахассислар билан фикрлашди, ўз гоялари, мақсадларини баён этиб, тегишли маслаҳат ва амалий ёрдам оладилар.

— Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги томонидан халқаро молия ташкилотлари кредит линиялари ҳисобидан 400 миллион АҚШ доллари вилоятимиз иқтисодиётига йўналтирилмоқда, — деди **вилоят ҳокими Туробжон Жўраев** мазкур марказда ўтказилган матбуот анжуманида. — Ушбу маблағдан чорвачилик, паррандчилик, баллиқчилик, асаларичиликни ривожлантиришда фойдаланилади. Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришни қўлайтириш, интенсив боғдорчиликни кенгайтириш, гидропоник усулдаги замонавий иссиқхоналар қуришга алоҳида эътибор берилди. Етиштирилган дала неъматларини қайта ишлаш, саралаш ва қадоклаш корхоналари, совутичли омборхоналар барпо этиш, фермер ҳўжалиқлари учун замонавий техника ва технологиялар сотиб олишда ҳам имтиёзли кредит маблағларидан фойдаланилади.

Матбуот анжуманида вилоят ҳокими Президентимизнинг 2018 йил 16 мартдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан Самарқанд вилоятини ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамғармасига 50 миллион доллар ҳамда вилоятда ташкил этиладиган 17 кичик саноат зонасида амалга ошириладиган инвестиция

Ўзбекистон
Республикаси Қишлоқ
ҳўжалиги
корхоналарини
таркибий қайта тузиш
агентлиги томонидан
халқаро молия
ташкilotлари кредит
линиялари ҳисобидан
400 миллион АҚШ
доллари вилоятимиз
иқтисодиётига
йўналтирилмоқда.

лоийҳаларини молиялаштиришга 50 миллион доллар маблағ ажратилишини ҳам маълум қилди.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, ушбу маблағларнинг биринчи қисми коммунал ҳўжалик тизимидаги муаммоларни бартараф этишга сарфланади. Аниқроғи, маблағ муҳандислик-коммуникация тизимларини янгилаш, кўп қаватли уйлардаги шароитларни яхшилаш, йўлларни таъмирлаш каби мақсадларга йўналтирилади. Иккинчи қисми эса кичик саноат зонаси таркибига қиравдиган ва вилоятнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилади.

Вилоятда яқин йилларда барча манбалар ҳисобидан 120 минг иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда. Самарқандлик кўпгина таниқли фермерлар ва тадбиркорларни бугун тадбиркорларга кўмаклашиш марказида учратасиз.

Элибой ТАНИЕВ,
Пастдаргом туманидаги «Умсин момо» фермер ҳўжалиги раҳбари, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор», «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, ЎзХДПнинг халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги вакили:

— Президентимизнинг бу гағли ташрифи пайтида Пастдаргомида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда мен ҳам иштирок этдим. Йиғилишда вилоят иқтисодиётини мустахкамлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш юзасидан жуда кўп фикрлар билдирилди, таклифлар ўртага



ташланди, муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Айниқса, чорвачилик тараққиёти учун талаб этиладиган техника ва технология ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, интенсив боғдорчилик, замонавий иссиқхоналар, суғориш тизимлари, мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, саралаш ва қадоклаш, совутичли омборхоналар, қишлоқ ҳўжалиги учун техника ва технологиялар сотиб олиш учун катта миқдорда маблағ ажратиладигани ва шу ҳисобдан 350 дан ортиқ лойиҳа ишга туширилиб, 10 мингга яқин янги иш ўринлари яратилишини эшитиб, жуда мамнун бўлдик.

Қишлоқ ҳўжалигида чорвачилик билан бир қаторда баллиқчилик, асаларичилик, паррандчилик, боғдорчилик каби тармоқларнинг ривожлантирилишига кейинги йилларда жиддий эътибор қаратиладигани кувончли ҳолдир. Вилоятимизда айнан шу соҳалар учун 400 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағ ажратиладигани соҳада ривожланишнинг янада жадаллашишидан дарак беради.

Мен мустақилликнинг дастлабки йилларидан буюн фермерлик қиламан. Ғаллачилик, пахтачилик, чорвачиликка эришадиган натижаларимдан ўзим ҳам хурсанд бўламан. Меҳнатларим натижаси фақат ўзимга, оиламга эмас, халқимиз фаровонлигини яхшилашига фойда келтирадиганлиги мени янада ғайрат билан ишлашга ундайди. Баллиқчиликни йўлга қўйишга аҳд қилдим, паррандчилик билан ҳам шуғулланамиз.

Эсон СОҲИБОВ,
Ургут туманидаги «Ориент Карпет старт» масъулията чекланган жамияти раиси, ЎзХДПнинг халқ депутатлари туман Кенгашидаги вакили:

— 2003 йилда туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда «Ург-Антен-Яшам» қўшма корхонасини ташкил этдим. Корхонанинг Низом жамғармаси 4225,9 минг АҚШ долларидан иборат эди. Маблағнинг 54,2 фоизи Туркиянинг «Mesa mensual samayli dis ticaret limited sirket» компаниясиники, қолгани мен билан уруглиқ тадбиркор Исрол Қороевнинг улуши эди. Асосан гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамизда дастлаб 25 киши иш бошлади. Орадан йиллар ўтиб, ишларимиз бутунлай юришиб кетди. Экспортга ҳам чиқдик. Корхонамизда ҳар йили ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизациялаш ишлари олиб боришмоқда. 2013-2014 йилларда Германия ва Бельгия мамлакатларидан илгор технологик линиялар ҳамда ускуналар олиб келинди.

Ҳозир корхонамизда 70 нафар ишчи ва ходим ишлаяпти. Эҳтиёж-мандлар ётоқхона билан таъминланган, ҳар куну белул иссиқ овқат ва автотранспорт хизмати корхона ҳисобидан амалга оширилади.

«Ург-Антен-Яшам» қошида «Сам-Полен-Текстиль» қўшма корхонасини ҳам очдик. Илгари Туркиядан келтириладиган асосий хомашё - полипропилен ипларини янги корхонада ишлаб чиқарадиган бўлдик. Мазкур лойиҳанинг маҳаллийлаштириш дастурига мос келиши туфайли бир қатор имтиёزلарга ҳам эга бўлдик. Корхонада 40 та янги иш ўрни яратилди.

Энди Туркиянинг бошқа бир компанияси — «BOSSAN TEKSTIL tic Ltd» билан ҳамкорлик қила бошладик. 2008 йилда туман ҳокимининг қарори билан саноат ҳудудидан 1,5 гектар ер ажратилиб, бу ерда саноат иншоотлари қурилди.

Президентимиз ташрифидан сўнг, ҳали имтиёзли кредитлар ажратилмасдан, вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида халқ фаровонлиги йўлидаги ишлар жадаллашиб кетди. Ободончиликка катта эътибор қаратиляпти. Масалан, Самарқанд шаҳрида, Нуробод туманидаги Жом қишлоғи ва яна қатор аҳоли пунктларида катта қўламдаги бунёдкорликлар амалга оширилди ва бундай ҳаракатлар давом этаёпти. Энди эса имтиёзли равишда бериладиган кредит маблағлари бундай ишларга янада қанот бағишлайди.

Феруз НАСРУЛЛАЕВ,
«Ипотека банк» АТИБ
Самарқанд вилоят филиали бошқарувчиси:

— Кредит маблағлари лойиҳанинг қоплаш истиқболини ҳисобга олган ҳолда 10 йил муддатгача уч йиллик имтиёз билан йиллик 5,5—6 фоиз устама тўлаш шарти билан долларда ажратилади. Масалан, Жаҳон банки лойиҳасида чорвачилик йўналиши бўйича бир миқдор учун максимал кредит миқдори 2 миллион долларгача бўлади.

Жаҳон банки лойиҳасида мева-сабзавотчилик йўналиши бўйича бир миқдор учун максимал кредит миқдори 2 миллион долларгача, маҳсулотни етиштириш, қайта ишлаш ва етказиб беришни ўз ичига олган лойиҳалар учун эса 4 миллион долларгача ажратилади.

Осиё Тараққиёт банки лойиҳасида бу миқдор 5 миллион долларгача белгиланади. Четдан харид қилинадиган товар, асбоб-ускуна 100 фоиз кредит ҳисобига молиялаштирилади.

Мижознинг лойиҳадаги улуши камида 20 фоиз пул, хизмат, иш, яъни натура қўринишида бўлиши ҳам мумкин.

Ушбу йўналиш бўйича Миллий банк, Асака банк, Халқ банки, Алоқа банк, Қишлоқ қурилиш банки, Турон банк, Ипак йўли банки, Саноат қурилиш банк, Ипотека банк филиаллари томонидан кредитлар ажратилади.

Имтиёзли кредит ҳисобидан импорт қилинадиган барча товар, хизмат, техника ва технологиялар, жиҳоз ва ускуналар солиқ тўловларидан (қўшимча қиймат солиғи, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар) озод этилади.

Бу ишлар — яратилаётган имконият ва имтиёزلар вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУНОСАБАТ

Инсон қадри улуғ



Максуд НУРУЛЛАЕВ,
ЎзХДП Навоий вилояти кенгаши раиси вазифасини бажарувчи:

— Бу ёруғ оламда инсоннинг фаровон ҳаёт кечириши учун энг зарур бўлган неъмат тинчликдир. Тинчлик бор жойда файзу барака, ривожланиш, тараққиёт бўлади. Бунга яхши нагланган халқ эзгулик йўлида жон фидо этган фарзандларини унутмайди. Фидойи ўғлонларига ғамгўрлик қиладди. Жасоратларини келажак авлодга намуна қилиб қўрсатади.

Ҳар йили мамлакатимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини, умуммиллий байрамни юксак савияда нишонлашга катта тайёргарлик қўрилади. Жорий йилда ҳам бу муқаддас айёмни юксак савияда нишонлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, бу борадаги Президент фармони ҳамда қарори ҳурмат ва иззатнинг юксак наъмунаси бўлди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг истаклари асосида ўзлари жанг қилган мамлакатларга бир нафар кузатувчи билан сафари ташкил этилиши ҳамда ушбу сафар билан боғлиқ харажатлар давлат томонидан қопланиши, Президент номидан бир марталик 5 миллион сўм миқдорда пул муқофотининг тантанали равишда топширилиши катта эътибор натижасидир.

Шунингдек, уруш фахрийларининг хоҳишига кўра Ялта ва Кисловодск шаҳарларидаги «Ўзбекистон» ҳамда республика ҳудудидagi бошқа санаторийларга бир нафар кузатувчиси билан бепул юборилиши, улар зарур авиа ва темир йўл чипталари билан ҳам тазминлангани отақоналаримизни мамнун қилганига шубҳа йўқ.

Уруш фахрийларига муқофотлар тантанали равишда топширилиши ёшларимизда «ватанпарварлик» садоқат, кекаларимизга ҳурмат ва эҳтиром ҳиссини янада оширади. Шунингдек, уларнинг ватанга садоқатини мустахкамлайди. Аждодларга муносиб ворис бўлишга ундайди.

Партияимиз ҳам уруш ва меҳнат фахрийларига доим эътибор қаратиб келади. Хотира ва қадрлаш куну муносабати билан таълим муассасалари ва маҳаллаларда маънавий-маърифий кечалар ўтказишни режалаштиришимиз. Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастурида ҳам ўз ифодасини топади. Жумладан, жамиятимиздаги тинчлик-тотувлик, барқарорлик муҳитини мустахкамлашга қўшган бебаҳо ҳиссаси, соғлом ҳамда баркамол авлодни тарбиялашда фалол иштирок этаётган инсонлар кўрсатган матонат, мардлик ва жасоратнинг аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, айниқса, ёшлар ўртасида маданий-маърифий тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш белгиланди.

Навоий вилоятда 51 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 1096 нафар фронт орти меҳнаткашлари истиқомат қилмоқда. Уларнинг қай бири билан суҳбатлашмайлик, кўрсатилётган ғамхўрликлардан мамнун эканлигини айтишмоқда. Шу ишларга бош бўлганларни дуо қилишди.

Партияимиз аъзолари, депутатларимиз уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳолидан доимо хабар олишмоқда. Уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганишяпти. Биз келгусида ҳам мана шундай ишларни тизимли равишда олиб боришни режалаштирганимиз.

ТАҚИҚ ЗАМИРИДАГИ ШИРИН ЎЙ

Ҳар бир шифокор учун қаршисида нажот истаб турган беморнинг дардига малҳам бўлиш, шикоятини тинглашдан муҳим вазифа йўқ. Аммо оқ ҳалат эгалари сўнгги вақтларда жамоат ишларида жуда кўп жалб этилиб, вазифаси доирасига кирмайдиган бошқа ишларни ҳам бажаришга мажбур эди.

Яқинда интернетдаги ижтимоий тармоқларнинг биринчи кино мазмунидagi бир суратга кўзим тушиб, гарчи бошқалар қўлиб турган смайликлар қўйишдан бўлса-да, мен ич-ичимдан эзилдим. Суратда «Шифокорлар Америка Қўшма Штатлари, Жанубий Корея, Исроилда», деган ёзув остида илгор технологиялардан фойдаланиб жаррохлик амалиёти ўтказётган ҳамкасбларимиз кўрсатилган. «Шифокорлар Ўзбекистонда» ёзуви остида эса оқ ҳалатда дарахт оқлаб, панжара бўяётган тиббиёт вақиллари акс этган. Бу кулгили эмас, асло! Юртимизда ҳам тиббиёт ривожланиб бораётганини инкор этмаган ҳолда, айтиш мумкинки, авваллари соҳа ходимлари мажбуран жамоат ишларига жалб этилар, бу вазият тиббиёт ходимларининг жамиятдаги ўрни, ижтимоий мавқеига ҳам салбий таъсир кўрсатаётган эди.

Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган жамоат ишларига мажбурий жалб қилишни тақиқлаш, бу борада раҳбарлар масъулиятини оширишга бағишланган йиғилиш тафсилотларини эшитиб, кувончим ичимга сиғади. Бу кувонч замирида энди жамоат ишларида мажбуран иштирок этмаймиз, деган фикрдан кўра, эл орасида шифокор обрўий ортади, деган ширин ўй ётарди. Энди биз ҳеч қачон суратларда дарахт оқлаётган ҳолатда тасвирланмаймиз.

Феруза ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Чилонзор туманидаги 35-оилавий поликлиниканинг олий тоифали умумий амалиёт шифокори.
ЎЗД

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Имтиёзли уй – жойлар ҳужжатлари

ЖОРИЙ
ЙИЛДА 377
КЎП
ҚАВАТЛИ
УЙ-ЖОЙНИ
ҚУРИШ ВА
АҲОЛИГА
ИМТИЁЗЛИ
РАВИШДА
БЕРИШ
РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.



«Ипотека-банк» АТИБ томонидан «Аҳоли учун арзон, барча қўлайликларга эга бўлган кўп қаватли уй-жойларга ажратиладиган кредитларини бериш тартибини соддалаштириш, шаффофлик ва ҳолисликни таъминлаш борасида белгиланган чора-тадбирлар туғрисида» матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича олиб бориладиган ишлар, уй-жой қурилишини инвестициялаш ҳамда банк тизимида хизматлар кўрсатишнинг бозор механизмининг жорий қилиш масалалари ҳақида маълумот берилди.

— Банк томонидан ипотека кредитлаш тизими аҳолининг барча қатламларига мўлжаллаб ишлаб чиқилган, — дейди **банкнинг Қурилиш ташкилотларини молиялаштириш бошқармаси бошлиғи Шухрат Топшўлатов**. — Ҳозир банк томонидан 1985 хонадондан иборат 45 та уй-жой қурилиши молиялаштирилмоқда, бунинг учун 315,8 миллиард сўм ажратилган. Мазкур уйлар жорий йилда қуриб битказилиб, имтиёзли ипотека кредити асосида топширилиши режалаштирилган.

Тошкент шаҳри ва республикаимизнинг бошқа шаҳарларида жами 191 та кўп қаватли уй-жой қурилиб, ўз эгаларига топшириляпти. Умуман, жорий

йилда 377 та кўп қаватли уй-жойни қуриш ва аҳолига имтиёзли равишда бериш режалаштирилган. Республикаимиздаги ёш оилалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида лойиҳа институтлари билан биргаликда арзон кўп қаватли уйларнинг янги намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди.

— Ушбу уй-жойлар арзон ва имтиёзли нархларда берилишининг биринчи сабаби қурилиш маҳсулотлари маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан мақбул нархларда етказиб бериладигани билан боғлиқ, — дейди **банкнинг Ипотека ва истеъмол кредитлари бошқармаси бошлиғи Бобур Нурмухаммедов**. — Иккинчидан, қурилиш ташкилотлари бир қатор солиқлардан озод қилинган. Учинчидан, мазкур уй-жойларга ичимлик суви, газ, электр энергияси, оқова сув тармоқлари ўтказилиши давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади. Ана шу оилаларга кўра арзон уй-жойлар қуриляпти.

Банк томонидан ўрнатилган терминларлар сони 26200 дондан ортиди. 1 309 630 та банк пластик картаси мумолагага чиқарилди. Шу билан бирга, 72 та валюта айирбошлаш, 79 та халқаро пул ўтказмалари шохобчалари хизмати йўлга қўйилди.



20 дан ортиқ омонат турлари ташкил этилган, омонатчилар пул маблағларини «электрон ҳамма»лардан фойдаланиб бошқариши мумкин.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди. **САВОЛ:**

— Маълумки, ўз вақтида катта шов-шув билан **Сергеи** туманида кўп қаватли арзон уй-жойлар қурилди. Хонадонлар ёш ва эҳтиёжманд оилаларга имтиёзли ипотека кредити орқали берилди. Бу уйларга қўллаб оилалар олти ойдан бери бахтли ҳаёт кечиряпти. Аммо улар ўзларига тегишли бўлган хонадонларнинг ҳужжатларини ҳалигача

Бахтиёр МУСТАНОВ олан суратлар.

Ноила МАРУПОВА

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ, ХОТИРАСИ МУҚАДДАС



КЎНГИЛ ЯЙРАЙДИ, ЯШАГИНГ КЕЛАВЕРАДИ

Мирза АХМЕДОВ, Тошкент
шаҳридан, фронт орти меҳнат
фахрийси, 86 ёшда:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан қабул қилган қарориди белгиланган гамхўрликлар биз кекса авлодни ниҳоятда қувонтирди, ҳаяжонга солди.

Қаранг, уруш қатнашчилари ва ногиронларига 5 миллион сўмдан пул мукофоти берилаяпти, фронт орти меҳнат фахрийларига, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиляпти. Бу — жамиятимизда инсон қадрини ҳар нарсадан устун эканлигини кўрсатади.

Болагимиз Иккинчи жаҳон уруши йилларида тўғри келган. Далада асосан аёллар бўлгани учун энг оғир ишлар бизнинг зиммамизга тушарди. Қаҳатчилик, қимматчилик йилларини кўрди, чор-ночор одамларнинг бир бурда нонга зор бўлиб, очлик азобида жон берганлари ҳали-ҳали дахшатли тушдай кўз ўнгимдан кетмайди.

Худого минг қатла шукр, мана шундай дорилмомон кунларда яшаймиз, бизга ўхшаган инсонлар, фахрийлар давлатимиз ардоғида, кўп гамхўрликлар кўрапмиз. Яқинда биз нурунийлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрига тақдир қилишди, «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишонини тантанали равишда топширишди, концертлар қўйиб беришди. Бундай гамхўрликлардан кўнгили яйрайди, яшагинг келаверади.

Мен узоқ йиллар Зангиота туманида ёш авлодга таълим бердим, пенсияга чиққангидан кейин ҳам «Нуруний» жамғармаси туман бўлимида фаолият кўрсатдим. Мустақиллик йилларида «Шуҳрат» медалли, «Эл-юрт хурмати» орденига сазовор бўлдим. Етти нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказдим, уйли-жойли қилдим. 26 неварам, 17 эварам бор, ҳаётимдан розиман. Мустақил Ватанимиз тинчлигини сақлаётган, доврўгини ошираётган ёшларимиз омон бўлсин, юртимизни ёмон кўзлардан асрасин.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Нурulloх ДОСТОН ёзиб олди.



Термиз шаҳридаги «Болажон» истироҳат боғида «Болажон — севинг шодлигини учун бўш вақтимни ажратаман» мазмунда кинолентани тадбир ўтказилди.

Вилоят ахборот-ресурс маркази томонидан намойиш этилган кўргазмада 700 дан зиёд номдаги адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп ҳамда болалар адабиётига оид китоблар тақдим этилди.

Жонибек ҚЎЗИМУРОДОВ (ЎЗА) олган сурат.

БОТИРЛАРНИНГ БИРИ БЎЛГАН

Фарзанд дунёга келганда ота-онанинг қувончи кўкка ҳам сиймайди. Камол топсин, эл-юртга хизмат қилсин, дея жигар бандига яхши ном излайди. Тошкент туманида истиқомат қилувчи Ҳафиза ва Ҳолмат Ризаевлар кенжа ўғил кўришганида доврўрак ва жасоратли инсон бўлишини ният қилиб, унга Ботир деб исм қўйишади...

11-ўрта умумтаълим мактабини аъло баҳоларда якунлаган Ботир Ризаев йигитлик бурчини бажариш учун муддатли ҳарбий хизматга отланади. Куролли кучлар сафидаги хизмати кезларида зийраклиги ва доврўраклиги билан сафдошларини кўп лол қолдирарди. Абжир ва чайир Ботирда ҳарбийликка бўлган иштиёқ кучли эди. Шу боис йигитлик бурчини адо этгандан сўнг у асло иккиланмай ички ишлар идораларига кириш мақсадида хужжатларини топширади. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати полки 7-рота ходими этиб тайинланади. Ёш мутахассис ўз зиммасига юкланган жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдек юксак вазифани масъулият билан бажаришга киришади. Намунали хизмати билан тез орада шахсий таркиб орасида обрў-этибор қозонади. Раҳбарият томонидан бир неча бор рағбатлантирилади. Афсуски, старшина Ботир Ризаев 1999 йил 6 августда ўз хизмат бурчини бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлади.

— Ботирдек жасур инсон билан сафдош бўлганимдан фахрланаман, — дейди шу даврда 1-отряд командири бўлган капитан Рихсибой Мамадалиев. — 1999 йил 6 август куни ярим тунда бир гуруҳ жиноятчилар Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Мирзо Фолиб кўчасидаги 29-уйга бостириб кириди ва хонадон эгаси кўлоғини боғлаб, танасига бир неча маротаба пичоқ уриб ўлдириб кетишади. Ўша пайтда ҳудудда хизмат ўтаётган Тошкент шаҳар патруль-пост

хизмати бригадаси ходимлари Ботир Ризаев ва Омилжон Мухамедовда трамвай йўли

эндигина 26 ёшга, иккинчиси 29 ёшга тўлган эди.

Кўрилган тезкор тадбирлар натижасида жиноятчилар қўлга олинган.

— Ботир билан болалиқдан бирга катта бўлганмиз, — дейди Бахтиёр Аҳмедов. — Синфдош ва яқин дўст бўлганмиз. Орамиздан қил ҳам ўтмаган, бир майизни бўлишиб еганмиз. Ўрта мактабни тугатгач, муддатли

ўша машъум воқеадан бир кун аввал, Ботир уйимизга бирров кириб ўтганди. Қизининг бегоблигини айтиб, эртага шифокорга биргалишиб борсак, деб маслаҳат қилди-да хизматга шошилди. Яқин дўстим жиноятчилар билан олишувда қаҳрамонлик кўрсатиб, сўнгги нафаси қолгунча ўз бурчини мардонатор адо этди. Иسمи ва руҳиятига муносиб Ботир

БОТИР РИЗАЕВ

1999 йил 6 августда
ўз хизмат бурчини
бажариш чоғида
қаҳрамонларча
ҳалок бўлган.



ёқасида турган «Дамас» автомашинаси шубҳа уйғотади. Машина ичидаги одамларнинг авзойи бузуқлиги, кўзлари олазараклигини кўриб, улардан хужжатларини сўраб, автомашинани текширишади. Омилжон автомашина ўриндиғи остида пичоқни топиб, рация орқали қўшимча кучларни чақираётганида жиноятчилардан бири унинг кўкрагига пичоқ санчади, бундан қўрқган Ботир жиноятчиларга ташланади. Улардан бири қўқма милтиқдан ўқ узади. Бошидан яраланишига қарамай Ботир курашни давом эттирган ва сафдошларига ҳа-бар етказди. Омилжоннинг тўппончасини қўлга қиритган жиноятчилардан бири яна Ботирга ўқ узади... Ички ишлар ходимларининг бири

ҳарбий хизматни турли жойларда ўтаганмиз. Шунда ҳам хат ёзишиб, ҳол-аҳолимиздан ҳабардор бўлиб, қувонч ва ташвишларимизни ўртоқлашганмиз.

1991 йилда хизматни якунлагач, Тошкент авиация заводида бироз вақт токар-чилангар бўлиб ҳам ишладик. Лекин ички ишларда ишлаш иштиёқи ҳар биримизда кучли эди. Хужжатларимиз ва тавсияномаларимизни кўриб чиқишгач, бизнинг ички ишларда ишлашга муносиб қилишди. Шу тариқа Тошкент шаҳар патруль-пост хизматида иш бошладик.

Ботир жонкуяр ва фидойи, оиласига меҳрибон бўлган. Қизи Иродахон туғилганида қанчалик қувонгани ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди. Орзулари бир олам эди...

бўлди ва ботирлик кўрсатди.

— Дадамнинг ҳалок бўлишларидан 3 ой олдин дунёга келганман, — дейди Ирода. — Ойим дадамни жуда меҳрибон инсон бўлганликлари, кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида тез-тез айтиб берадилар. Туғилганимда менга ўзлари Ирода деб исм қўйган эканлар. Қизим ҳаётда иродали бўлсин, деб ният қилган бўлсалар керак. Ҳозир Қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-ҳунар коллежида таҳсил олаяпман. Тўқимачилик институтига кирмоқчиман. Дадамнинг эл-юрт тинчлигини сақлаш йўлида жон фидо қилган ботирлардан бири бўлганлиги билан фахрланаман.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



«САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ» ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНГА ЙЎЛ ОЛДИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастури доирасида республикамизнинг экологик жиҳатдан нуқулай минтақаларида яшовчи аҳолига сифатли тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Саломатлик поезди» акциясини ўтказмоқда.

Аҳолини, айниқса, ижтимоий химояга муҳтож оилалар, чекка қишлоқларда яшаётган аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аҳолининг тиббий саводхонлигини оширишга қаратилган мазкур акция доирасида 2018 йилнинг январь ойида Андижон вилоятига «Саломатлик поезди» жўнатилган эди.

Унда мутахассислар томонидан 734 нафар киши чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий кўрик билан бир қаторда вилоятдаги тиббий ва ижтимоий муассасаларга, шунингдек, ижтимоий химояга муҳтож оилаларга манзилли равишда озик-овқат, кийим-кечак, дори-дармон, витамин, тиббиёт жихозлари, санитария-гигиена воситалари тарқатилди.

Шунингдек, жорий йилнинг март ойида Навоий вилоятида амалга оширилган «Саломатлик поезди» акцияси доирасида мутахассислар ижтимоий химояга муҳтож бўлган икки мингга яқин фуқарони чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказди.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилган хайрия акцияси доирасидаги навбатдаги «Саломатлик поезди» Қорақалпоғистон Республикасининг чекка ҳудудларига йўл олди. Тошкент — Қорақалпоғистон — Жаслик — Тошкент йўналишидаги «Саломатлик поезди» 27 апрелга қадар аҳолига тиббий ёрдам кўрсатади. «Сало-

матлик поезди»да юқори малакали шифокорлар гуруҳи аҳолига зарур тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиши режалаштирилган.

Мазкур поезд Қорақалпоғистон, Жаслик станцияларининг ақин ҳудудларидан ташқари фонднинг ҳудудий филиали кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадаси орқали ҳудуддаги марказий шифоналар, вилоят болалар ва туғуруқ комплексларига ҳамда кўзи ожиз, ақли заиф ва кар-соқов болалар махсус мактаб-интернатларига тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатади.

Г.САТТОРОВА,
ЎЗА мухбири.

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

ҚЎШМА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва Тошкентдаги Инҳа университети ўзаро манфаатли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ўқитувчилар, илмий ходимлар ва докторантлар олмасинувини йўлга қўяди.

Бу ҳақда Тошкентдаги Инҳа университетида бўлиб ўтган олий ўқув юртлири ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумни имзолаш маросимида сўз юритилди.

Юксак технологиялар инсоният тафаккурининг турли фан ва соҳаларини ажратиб турувчи чегараларини аллақачон кесиби ўтишга муваффақ бўлганлиги таъкидланди. Ҳозирги кунга келиб замонавий электрон ускуна ва қурилмалар яратилиш устида бир вақтнинг ўзида минглаб тор ихтисослиқдаги мутахассислар меҳнат қилиши мумкин. Уларнинг ҳар бири нафақат ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариши, балки бошқа касб вакиллари билан ҳам ўзаро ҳамкорлик қилиши даркор. Технология соҳасидаги глобал ўзгаришлар техник мутахассисларни тайёрлаш тизимини ривожлантириш, шунингдек, уларни тайёрлайдиган ўқув юртлири билан ҳамкорликни кучайтириш заруратини тугдирди. Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва Тошкентдаги Инҳа университети ўртасида имзоланган ҳужжат айнан шу мақсадларга хизмат қилади. Бу уларнинг Ўзбекистон иқтисодиёти илмий-техник ва инновацион жиҳатдан ривожлантириш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишда биргаликда иштирок этишини таъминлайди.

Меморандум доирасида университетлар қўшма илмий-техник лойиҳалар ва инновацион ишланмалар амалга оширилишини қўллаб-қувватлайди, шунингдек, тегишли илмий йўналишлар бўйича талабалар ижодий тўғараклари фаолиятини йўлга қўяди. Бу эса биргаликда илмий тадқиқотлар ўтказиш ва академик янгиликлар, маълумотлар ҳамда эълонлар алмашиш имконини беради. Шунингдек, олий ўқув юртлири қўшма семинар ва учрашувлар ташкил этишни ҳам режалаштирмоқда.

Тантанали тадбир якунида Тошкентдаги Инҳа университети-нинг ўқув бинолари ва синф хоналари бўйлаб саёҳат ташкил этилди.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири.

БҲҲҲ	Об-ҳаво маълумоти	Г
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+30/+15	
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+30/+12	
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+27/+12	
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+28/+12	
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+23/+10	
Тошкент шаҳри	+24/+9	

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 438. 11578 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 23:30.

Topshirilgan vaqti — 00:45

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatches:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5